



ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЁТЛАР ҲАМДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Илёсова Дилбар

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти

ORCID: 0009-0006-2824-0585

ilyosovadilbar64@gmail.com

Аннотация. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссияси томонидан таклиф қилинган кўрсатмаларда, аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда, биринчи навбатда, аҳолининг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва иштирок этиш тамойилларига эътибор қаратган ҳолда, маълумотларга инсон ҳуқуқлари ёндашувига риоя қилиши кераклиги таъкидлаб ўтилган. Аҳолининг умумий даромадлари - доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади. Ушбу мақола халқаро ташкилотлар томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини баҳолаш бўйича услубиётлар ҳамда улардан фойдаланиш йўналишларини ўрганишга қаратилган.

Калит сўзлар: аҳоли даромадлари, трансферт даромадлар, нафақа, тадбиркорликдан олинган даромадлар, меҳнат ҳақи, бюджет, индексация, истеъмол савати, озиқ-овқат истеъмоли, ижтимоий тўловлар, модернизация, диверсификация.

МЕТОДИКИ ОЦЕНКИ ДОХОДОВ И УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫМИ ОРГАНИЗАЦИЯМИ И НАПРАВЛЕНИЯ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

Илёсова Дилбар

Институт повышения квалификации кадров и статистических исследований

Аннотация. В рекомендациях, предложенных высшей комиссией ООН по правам человека, подчеркивается, что при разработке и использовании показателей для оценки уровня жизни населения необходимо придерживаться правозащитного подхода к данным, в первую очередь ориентируясь на принципы самоопределения и участия населения. Совокупные доходы населения-состоят из поступлений в денежной и натуральной формах, поступающих в домохозяйство или отдельным его членам в годовой или менее периодический период, имеющих постоянный или периодический характер. В данной статье рассматриваются методики оценки доходов и уровня жизни населения международными организациями, а также направления их использования.

Ключевые слова: доходы населения, трансфертный доход, пособия, доходы от предпринимательства, заработная плата, бюджет, индексация, потребительская корзина, потребление продуктов питания, социальные выплаты, модернизация, диверсификация.

METHODOLOGIES FOR ASSESSING THE INCOME AND STANDARD OF LIVING OF THE POPULATION AND DIRECTIONS OF THEIR USE BY INTERNATIONAL ORGANIZATIONS

Ilyasova Dilbar

Institute for Staff Advanced Training and Statistical Research

Abstract. *The guidelines proposed by the United Nations High Commission on Human Rights stated that the development and use of indicators to assess the standard of living of the population should follow a human rights approach to data, focusing primarily on the self-determination of the population and the principles of participation. The total income of the population is made up of proceeds in the form of money and in-kind, which fall on the household or its individual members during an annual or less time period, of a permanent or recurring nature. This article focuses on the study of methodologies and areas of use by international organizations for assessing the income and standard of living of the population.*

Keywords: *population income, transfer income, benefits, income from entrepreneurship, wages, budget, indexation, consumer basket, food consumption, social payments, modernization, diversification.*

Кириш.

Халқаро ташкилотлар томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини баҳолаш бўйича янги ёндашувлар ва услубиётларни халқаро статистик амалиётга жорий этиш бўйича фаолият 2009 йилда Стиглица-Сена-Фитусси халқаро комиссияси томонидан тайёрланган "Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот " чоп этилгандан сўнг сезиларли даражада фаоллашди (Stiglitz, 2009).

Ҳисобот доирасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичида акс эттирилган иқтисодиётнинг ўсиши ҳар доим ҳам аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан мутоносиб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, макроиқтисодий статистикага оид қуйидаги тавсиялар таклиф қилинган:

- аҳоли турмуш даражасини баҳолашда ишлаб чиқаришга эмас, балки аҳолининг даромади ва истеъмолига эътибор бериш;
- уй хўжаликларининг истиқболига эътибор қаратиш;
- аҳоли даромади ва истеъмолни фаровонлик билан биргаликда кўриб чиқиш;
- аҳолининг даромади, истеъмоли ва фаровонлигини баҳолашда, уларнинг тақсимлашга кўпроқ эътибор қаратиш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссияси томонидан таклиф қилинган кўрсатмаларда, аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда, биринчи навбатда, аҳолининг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва иштирок этиш тамойилларига эътибор қаратган ҳолда, маълумотларга инсон ҳуқуқлари ёндашувига риоя қилиши кераклиги таъкидлаб ўтилган.

Шуни таъкидлаш кераки, вақт ўтиши билан камбағаллик даражасининг ўзгаришини акс эттирувчи ва узоқ вақт давомида камбағаллик чангалида яшовчи ёки камбағаллик хавфи юқори бўлган уй хўжаликларни аниқлашга имкон берадиган батафсил маълумотлар, нафақат глобал ва миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш балки миллий сиёсатнинг муваффақиятини баҳолаш учун зарур бўлади (Мирзиеев, 2023).

Адабиётлар шарҳи.

Уй хўжаликлари фаровонлигини ўлчаш услубиётларини уйғунлаштириш мақсадида аҳоли турмуш даражаси статистикасини ишлаб чиқишда иштирок этувчи

асосий халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти статистика бўлими ҳомийлигида фаолият юритувчи уй хўжаликларини ўрганиш бўйича Котибиятлараро ишчи гуруҳи, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД), Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури (БМТТД), Евростат), бир қатор асосий методологик нашрлар тайёрланган, улар орасида:

- 2011 йилда Канберра гуруҳи томонидан тайёрланган уй хўжаликлари даромадлари статистикаси бўйича қайта кўриб чиқилган қўлланма, уй хўжаликлари даромадлари тушунчалари ва таркибий қисмларини ҳамда мамлакатларнинг энг яхши амалиётларини ўз ичига олади;

- ОЕСД томонидан 2013 йилда чиқарилган "уй хўжаликлари даромадлари, истеъмол ва бойлик тақсимотининг статистик ҳисоби асослари" нашр этилган бўлиб, унда уй хўжаликларининг даромадлари, истеъмоли ва бойлиги статистикасини биргаликда таҳлил қилишнинг халқаро миқёсда келишилган асосий тамойиллари баён этилган;

- 2017 йилда БМТнинг камбағалликни ўлчаш бўйича ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган "Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланмаси" ва камбағаллик статистикасини тузиш учун асосий стандарт сифатида мамлакатларга тавсия этилган;

Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш муаммоларини маҳаллий олимлардан Соатов (2003), Абдуллаев (1998), Абдурахмонов (2016), Зокирова, Назаров, Абулқосимов, Ваҳобов, Саидова, Ғуломов, Ғойибназаров (2005), Акрамов, Мухитдинов, Ўлмасов, Хасанов, Шодмонов, Ҳакимова, Раҳимова, ва бошқалар ўз асарларида кенг баён етганлар.

Рутгайзер (2007) Аҳолининг пул даромадларини таҳлил қилиш ўз-ўзидан уларнинг моддий неъматлар ва хизматлардан фойдаланиш даражаси, пул жамғармалари кўрсаткичлари билан ўзаро алоқасини назарда тутди ва буларга қиладиган харажатларини ҳам статистик ўрганишни талаб этади. Бу таҳлилни мукамаллаштириш вазифаси аҳоли ёки оиланинг турли мақсадлари учун қилган харажатларини асосли равишда илмий ўрганишни талаб этади.

Салин, (2019) "Аҳоли турмуш даражаси"- бу аҳолининг истеъмолини қондирилишининг моддий имкониятларини характерлайди. У ўз ичига ижтимоий ҳаётни турли ижтимоий жиҳатларини: меҳнат шароити, аҳоли даромадлари ва харажатлари даражаси ва тузилмаси, бўш вақтдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқаларнинг ривожланиш даражасини ўз ичига олади. Ижтимоий ҳаётни бу ижтимоий томонларини миқдорий тавсифлаш ижтимоий-иқтисодий индикаторлар ёрдамида амалга оширилади ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий ривожланишини статистик ўрганиш предмети ҳисобланади" деб таърифлайди.

Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш муаммоларини маҳаллий олимлардан

Ўзбек миллий статистикасини ҳам назарий ҳам амалий томондан шаклланишида илмий-услубий манба бўлиб хизмат қилган проф. Соатов (2003) таҳрири остида чоп этилган "Статистика асослари" дарслигида муаллифлар "Аҳоли турмуш даражаси – бу социал-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий маиший еҳтиёжи қондирилиши ҳамда социал турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади" деб таъриф беришган.

Абдуллаев (1998) таъкидлаганларидек, Аҳоли даромадлари - бу оила аъзолари томонидан муайян даврда олинган пул ва натурал кўринишдаги маблағлар қиймати йиғиндисини ифодалайди. Ҳар доим талабда-еҳтиёжлар даражаси ва таркиби ортиб, унинг даромадлари миқдорига бевосита боғлиқ равишда таъсир кўрсатади.

Абдурахмонов (2016) аҳолининг турмуш даражасига қуйидагича таъриф берган: "Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва

хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади”.

Ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш борасида республикаимизнинг турли давлат органлари, республикаимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, республикаимизда барқарор сармоя кўламини яратиш мақсадида, ҳамда республикаимизаҳолиси турмуш даражасини яхшилаш бўйича ҳамкорлик доирасида турли халқаро ташкилотлар мутахассислари томонидан кенг кўламда самарали илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан: МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Волкова, Мигранова, Суворов, Римашевская, Коробейниковаларнинг илмий изланишларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Ахмедов, Каримова, Абдуғаниева, Навотни, Тухтаров ва бошқалар.

МДХ давлатларининг етук олимларидан Субетто (n.d.), Бобкова (2012) ва бошқалар ўз илмий ишларида аҳоли турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал қилишнинг илмий-назарий ҳамда услубий муаммоларининг айрим жиҳатларини очиб беришган ва ушбу масала бўйича тадқиқот натижаларига таяниб, илмий-амалий тавсиялар беришган.

Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасидаги тафовутларнинг иқтисодий- статистик тахлилини ўрганишга борасида Хачатрян (2016), Королева (2003) ва бошқалар ўз илмий изланишларида баён этганлар.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси, ҳаёт сифатининг илмий- услубий асослари ва талқини Ғуломов (2002), Абдуллаев (1998), Ғойибназаровлар (2005) томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада статистик кузатиш, гуруҳлаш усуллари, мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорлар, график, иқтисодий индекслар, кўп омилли корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари, шунингдек, Panel таҳлил, VAR ва ARDL усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ушбу тадқиқот доирасида мамлакатларнинг умумэътироф этилган халқаро стандартлари ва тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўп мақсадли уй хўжаликлари сўровлари уй хўжаликлари даромадлари, истеъмоли, жамғармалари ва соф қийматини таҳлил қилиш, шунингдек, камбағаллик даражасини баҳолаш, кам таъминланган аҳоли улушини ҳисоблаш, миграция ва пул ўтказмалари ҳақидаги ва уй хўжаликларининг фаровонлик даражасига таъсири этувчи маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Халқаро индекслар иқтисодий ҳодисаларнинг бутун жаҳон ва жўғрофий минтақалар миқёсида ривожланиш даражаси, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида эришган қиёсий даражаларини тавсифлайди.

Жаҳон Банкнинг 2021 йилда чоп этган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича дунё мамлакатлари рейтингида 126569 АҚШ доллари билан Люксембург карвонбошилиқ қилмоқда. Кейинги ўринларни [Ирландия](#) (111360), Сингапур (107677) Макао (Хитой) (115913), Қатар (100037) ва бошқа мамлакатлар эгаллашган. Мазкур рейтингда Ўзбекистон (8452) 124 ўринни эгаллаган.

МХТ-2008 доирасида иқтисодиётнинг таркибий хусусиятлари ҳамда аҳолининг турли ижтимоий-иқтисодий гуруҳларида даромадлар ва истеъмол харажатларини тақсимлаш ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишда, МХТ ҳисоблари тизимини тузиш тавсия этилади,

Шуни таъкидлаш керакки, дунёнинг аксарият мамлакатларида сўровлардан олинган уй хўжаликларининг даромадлари ва истеъмоли тўғрисидаги якуний

маълумотлар миллий ҳисобварақларда олинган эквивалент якуний маълумотларга мос келмайди. Бундан ташқари, нафақат макро ва микростатистика ўртасидаги тафовут, балки ўсиш суръатлари ва қашшоқлик профилидаги тафовутлар ҳам мавжуд.

1-жадвал.

Аҳоли жон бошига ЯИМ (ППС) кўрсаткичи бўйича дунё мамлакатларининг рўйхати

№	Мамлакатлар	2020	2021
1	 Люксембург	117984	126569
2	 Ирландия	95994	111360
3	 Сингапур	98512	107677
4	 Қатар	96607	100037
5	 Швейцария	73246	78112
6	 БАА	71139	74245
7	 Норвегия	65841	69859
8	 АҚШ	63358	69375
—	 Макао, Хитой	54943	67475
9	 Бруней	62306	65675
10	 Сан-Марино	60490	65446
121	 Ўзбекистон	7809	8452
	Бутунжаҳон	17630	17109

ОЕСД тадқиқотларига кўра, 80% дан 120% гача бўлган даромадлар қийматининг тегишли миллий ҳисоб маълумотлари билан тафовутлари таърифлардаги фарқларни, шунингдек ҳисоб-китобларда хатолар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда нисбатан яхши ҳисобланади.

Тафовутларнинг ўсиши муаммосини ҳал қилиш учун ОЕСД/Евростат эксперт гуруҳи Европадаги миллий ҳисоблардаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилди, бу борадаги тадқиқотлар АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюроси ва АҚШдаги бошқа ташкилотлар томонидан ҳам олиб борилмоқда.

Тафовутларнинг барча сабаблари яхши тушунилмаган бўлса-да, улар уй хўжаликлари даромадлари тушунчаларидаги юқорида муҳокама қилинган фарқлар ва уй хўжаликлари сўровларида энг юқори даромад маълумотларини тўлиқ қамраб олмаслик ва паст баҳолаш билан боғлиқ деб тахмин қилинади.

Масалан, **Россияда** даромадларни ўрганиш тегишли макроиктисодий йиғма кўрсаткичларнинг қарийб 30 фоизини ҳисобга олмаслиги баҳоланди, шундан сўнг 2017 йилда даромадларни тақсимлашни тўғрилашга имкон берадиган калибрлаш усули ишлаб чиқилди. Бу микро кўрсаткичлар ва макроиктисодий агрегация кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутни тахминан икки барабар камайтирди ва натижада камбағаллик даражаси 15,8% дан 12,4% гача камайди.

Бирлашган миллатлар уй хўжаликлари миллий сўровларининг услубий изчиллигини ошириш, шунингдек, асосий халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган ижтимоий ва иқтисодий статистиканинг тегишли бўлимлари билан сўров ўтказиш тушунчалари, форматлари ва муддатларини уйғунлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД) аъзо мамлакатлардаги миллий маслаҳатчилар тармоғидан фойдаланган ҳолда ҳар беш йилда бир марта мавжуд сўровлар асосида стандарт жадваллар шаклида маълумотларни тўплайди.

ОЕСД, Европа иттифоқи ва Европа Эркин савдо ассосиацияси мамлакатларига кирувчи давлатларда даромаднинг ўлчаш асосий кўрсаткичи сифатида **EU-SILC** (EUs Statistics on Income and Living Conditions) и HBS (Household Budget Surveys) уй хўжаликлари кузатуви маълумотлари статистик стандартлар ягона схемасига асосланади.

Асосий мавзулар ҳар йили йиғилиб, даромад, иқтисодий фаоллик, демография, таълим, болаларни парвариш қилиш, уй-жой нархи, соғлиқни-сақлаш, ҳаёт сифати ва техник ўзгарувчиларни ўз ичига олади. Йиллик мавзуларга қўшимча равишда, **EU-SILC** модулларни ўз ичига олиб ҳар 3 йилда такрорланадиган (меҳнат бозори ва уй-жой, соғлиқни сақлаш ва болалар), ҳар 6 йилда (фойда, камчиликлар ва уй-жой қийинчиликларини авлоддан-авлодга ўтказиш, ортиқча қарздорлик, истеъмол ва бойлик, хизматлардан фойдаланиш ва ҳаёт сифати) ва бир марталик модуллар (зарур бўлса)ларни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда **EU-SILC** танланма кузатув ҳисобланиб 35 мамлакатда ўтказилмоқда, ҳар йили 200 000 дан ортиқ уй хўжаликлари ва 500 000 та хўжаликлари аъзолари орасида кузатувлар ўтказилади. Намунавий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш учун қандай маълумот манбаларидан фойдаланилганига қараб икки гуруҳ мамлакатлар ажралиб туради. Шундай қилиб, Дания, Финляндия, Исландия, Голландия, Норвегия, Швеция, Словенияда даромадларнинг аксарият таркибий қисмлари ва баъзи демографик маълумотлар маъмурий регистрлар асосида шакллантирилади. Ирландиядан ташқари бошқа мамлакатларда маълумотлар уй хўжаликлари аъзолари ўртасида ўтказилган сўров (интервью) асосида тўпланади. Барча мамлакатларда ўтказилган сўровнома фазовий хариталарни (мамлакатлараро ва гуруҳлараро) сўровларни ўз ичига олган яхлит дизайнга эга ва юзага келиши мумкин бўлган хатоларни минималлаштирадиган тарзда қурилган. Евростат мунтазам равишда (**EU-SILC** мақсадли ўзгарувчиларининг методологик кўрсатмалари ва тавсифи)ни ишлаб чиқаради, унда маълумотлар йиғиш, шунингдек, уй хўжаликлари ва танланган респондентлар учун оғирликларни ҳисоблаш бўйича илғор тушунтиришлар ва тавсиялар мавжуд. **EU-SILC** асосида уй хўжаликларининг бир марталик даромадлари кўрсаткичи шакллантирилади, уй хўжалигининг барча аъзолари томонидан олинган шахсий даромад миқдори ва уй хўжаликлари даражасида олинган даромадларни қўшиб, тўланган солиқлар ва уй хўжаликлари ўртасида тўланган пул ўтказмаларини ҳисобга олмаганда ҳисобланади.

Австрияда 2011 йилдан бери уй хўжаликларини тадқиқ қилиш жараёнида регистр маълумотларидан фойдаланилади, бу эса камбағаллик даражасини ўртача 2 фоизга мослаштиришга имкон берди.

Тегишли маъмурий маълумотлар турли давлат органлари томонидан тақдим этилади ва ноёб шахсий идентификатор билан регистрларга киритилади. Ушбу ноёб идентификаторга ҳар бир намуна бирлиги берилади, шунда регистрлардаги маълумотлар деярли ҳар бир бирлик билан боғланиши мумкин. Махфийликни таъминлаш учун ушбу идентификаторларни бошқа давлат идорасининг маъмурий маълумотлари билан таққослаш мумкин эмаслиги, улар исмлар ва манзиллардан алоҳида сақланиши ва фақат маҳаллий маълумотларни тўплаш учун ишлатилиши кафолатланади.

Уй хўжаликлари реестри намунавий бирликларни танлаш учун ишлатилади, шундан сўнг респондентлар билан бевосита алоқада танланган манзилда яшовчи, аммо реестрга киритилмаган шахслар намунага қўшилади ва танланган манзилда яшамайдиган рўйхатдан ўтган шахслар намунадан чиқариб ташланади.

Шунингдек, Австрия статистикаси бир неча йиллик маълумотлар бирлаштирилганда баҳолаш кўрсаткичларининг дисперсия хусусиятларига таъсир кўрсатадиган **EU-SILC** нинг кесишган намунавий тузилишини ҳисобга олиш учун махсус ишлаб чиқилган дисперсияни ҳисоблаш учун ўз воситасидан фойдаланади.

Россияда Росстат ва уй хўжаликлари даромадлари бўйича сўровларни уйғунлаштириш 2012 йилда "уй хўжаликлари даромадларини танлаб ўрганиш дастурини Европа Иттифоқи даромадлари ва турмуш шароитлари статистикаси дастури билан уйғунлаштириш асосида даромадлар тенгсизлиги ва қашшоқлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун статистик базани шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш" жаҳон банкининг молиявий кўмаги остидаги лойиҳаси доирасида бошланган.

2012 йилда сўров 10 мингта хусусий уй хўжаликларини қамраб олди, 2014 ва 2015 йилларда 45 мингта, 2016 йилдан бошлаб 60 мингта уй хўжаликларини қамраб олди, 2017 йилдан бошлаб намунавий аҳоли сони 160 мингта уй хўжаликларига кўпайди.

EU-SILC билан уйғунлаштирилган аҳоли даромадлари ва ижтимоий дастурларда иштирок этишни танлаб кузатиш йиллик даврийликка эга. Намунани шакллантириш учун асос Бутун Россия аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари массиви асосида кўп мақсадли ҳудудий намунадир.

2021-2023 йилларда Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган ва Дания миллий институти томонидан қўллаб-қувватланаётган **Молдова Республикаси** миллий статистика бюросини (ПарСтат) қўллаб-қувватлаш бўйича техник ёрдам лойиҳаси доирасида Молдовада **EU-SILC**ни жорий этиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ходимларга даромадлар, ижтимоий интеграция ва яшаш шароитлари тўғрисидаги маълумотлар билан боғлиқ асосий назарий ва амалий стандартлар бўйича тренинглар ўтказилди. Ушбу лойиҳа доирасида ўқитишдан ташқари, **EU-SILC**нинг асосий методологик концепциялари хорижий экспертлар томонидан Молдова миллий контекстига мослаштирилган.

Америка қўшма Штатлари аҳолини рўйхатга олиш бюросининг "Америка тадқиқотлар жамияти" (American Community Surveys) Уй хўжаликларида кузатувларни амалга оширади.

Хусусий уй хўжаликлари учун ишлатиладиган ACS сўровномалари маълумотларини ўз ичига олиб:

- уй хўжалиги даражасида (уй-жойга эгалик қилиш тури, ижара харажатлари ёки уй-жой нархи, уй-жой хусусиятлари);

- индивидуал даражада (ёши, никоҳ ҳолати, таълим даражаси).

15 ва ундан катта ёшдаги барча респондентларга сўнгги 12 ой ичида уларнинг даромадлари тўғрисида бир қатор саволлар берилади, жавоблар умумий шахсий даромадларни ҳисоблаш учун ишлатилади.

Америка дастури туманлар ва Штатлар бўйича қуйидаги кўрсаткичларни ишлаб чиқаради:

- камбағалликда яшовчи одамларнинг умумий сони;
- камбағалликда яшовчи 5 ёшгача бўлган болалар сони (фақат Штатлар бўйича);
- камбағалликда яшовчи оилаларда 5-17 ёшдаги қариндошлик билан боғлиқ болалар сони;
- камбағалликда яшовчи 18 ёшгача бўлган болалар сони;
- уй хўжалигининг ўртача даромади.

Канада статистикаси шахслар ва оилаларнинг даромадлари ва даромад манбалари тўғрисида маълумот олиш учун Канада даромадларини ўрганиш (код) ва ҳар йили уй хўжаликларини ўрганишдир.

Код Канада ишчи кучини ўрганиш (ОПС) доирасида қўшимча модул бўлиб, меҳнат бозори фаолияти, ўқитиш, ҳаётни чеклаш, алимент, уй хўжаликлари ўртасида ўтказмалар, уй-жой хусусиятлари ва харажатлари тўғрисида қўшимча маълумотларни ўз ичига олади.

Эҳтимоллик намунаси ҳудудий асосда, кўп босқичли сўров дизайни ёрдамида, ОПС асосида шакллантирилади. Ҳар йили январдан июнча ОПС респондентларидан маълумотларни тўплашнинг сўнгги ойида ОПС тугагандан сўнг дарҳол сўровномани тўлдириш сўралади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ўрганиш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан ҳар йили ўтказиладиган уй хўжаликларида танлама усулда кузатув маълумотларидан фойдаланилди. Ўз навбатида, уй хўжаликларида кузатув ўтказиш услубиёти халқаро стандартларга мослаштириш, кузатув услубиятини такомиллаштириш, сифатини янада ошириш мақсадида Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссиясининг тавсияларига асосланган.

Шу билан бирга аҳоли умумий даромадларини– Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Статистика агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган методик қўлланма асосида ҳисоблаш амалга оширилади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Статистика агентлиги ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатларини шакллантириш учун янги “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол классификацияси-2018” га асосан товар ва хизматларнинг тоифалари ва гуруҳлари бўйича таснифланади.

Уй хўжаликлари сўровномасида аҳолининг Сўнгги 7 кун ичида уй хўжалигининг сотиб олиш ва истеъмол қилиниши озиқ овқат харажатлари “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол классификацияси-2018”га асосан олинди. Ушбу классификаторда **548 турдаги** истеъмол харжатлари турлари яъни:

- **156 турдаги** озиқ-овқат маҳсулотлари;

- **273 та турдан** ноозиқ-овқат маҳсулотлари;

- **119 та хизматларнинг** йиғиндиси орқали уй хўжалиги жами ўртача ойлик истеъмол харажатлари қиймати аниқланади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Аҳоли даромадлари ва уларнинг дифференциацияси ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория–аҳоли даромадлигини ифодалайди. Ушбу бобда уни тадқиқ этиш учун ҳам категориянинг ўзида, ҳам ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқликда юз бераётган жараёнларни аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш учун тўлароқ таҳлил қилишга имкон берувчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган.

2. Ҳудудлардаги аҳоли даромадларидаги фарқланишлар шаҳар ва қишлоқ аҳолиси

этник гуруҳлари таркибига ҳам боғлиқ бўлиб, ижтимоий тенгсизлик келиб чиқишининг муҳим сабабларидан ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳам шаҳар хонадонларининг пул даромадлари қишлоқ хонадонларининг пул даромадларидан юқори. Бунга асосан миллий иқтисодиётнинг индустриал ва аграр соҳалари ўртасидаги тафовутлар сабабдир.

3. Корреляцион таҳлил иш ҳақи дифференциациясини аҳоли даромадларининг умумий тенгсизлигига сезиларли таъсир қилишини аниқлаб берди. Шу муносабат билан, давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида, даромадлар тенгсизлигини қисқартириш мақсадида, расмий иш ҳақидаги дифференциацияни пасайтириш таклиф этилди. Бунга, биринчи навбатда, паст иш ҳақи берилаётган тармоқлардаги (қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари) иш ҳақини ўртача республика даражасига яқинлаштириш йўли билан эришиш мумкин. Чунки иқтисодиётда банд бўлганларни асосий тақсимланиши (26 фоиздан юқори) айнан шу тармоқларга тўғри келади.

4. Ушбу бобда аҳоли даромадлари билан ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни корреляцион-регрессион таҳлил қилиш натижасида даромадларни ошириш омиллари аниқланди: аҳоли жон бошига инвестициялар жалб этиш ҳажмини кўпайтириш, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг улуши ошириш, шунингдек, даромадларни ошириш сиёсатини амалга оширишида ҳисобга олиниши зарур бўлган, меҳнат билан банд бўлганлар улушини ошириш ва бошқалар.

Адабиётлар/Литература/References:

- Абдуллаев Ё.А., (1998) *Макроиқтисодий статистика*. 100 савол ва жавоб. 382 б.
- Абдурахмонов Қ.Х. (2016) *Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёти) Олий ўқув юрлари учун дарслик*. – Т.: Меҳнат, – 610 б.
- stat.uz (n.d.) *Давлат статистика агентлиги расмий веб-сайти*: <https://stat.uz/>.
- Бобкова В. Н. (2012) *Ноосферная общественная акад. наук [и др.]*. — Санкт-Петербург : Астерион, 263 с. ISBN 978-5-94856-965-9.
- Ғойибназаров Б.К. (2005) *Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш*. Т.: “ФАН”, - 125 б.
- Ғуломов С.С. (2002) *Макроиқтисодий статистика*. Т.: Дитаф. – 275 б.
- Королева Н. В. (2003) *Место и роль домашних хозяйств в системе социально-экономических отношений в переходной экономике*.
- Мирзиёев Ш.М. (2023) *“Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурижаатномаси” Халқ сўзи, 30 декабрь 2023 йил*.
- Рутгайзер В.А. (2007) *“Оценка стоимости бизнеса” Учебное пособие* 448 б.
- Салин В.Н. (2019) *“Статистика уровни жизни населения” (Бакалавриат, Магистратура) Учебное пособие* 189 б.
- Соатов Н.М. (2003) *“Статистика асослари” дарслик* 743 б.
- Субетто А. И. (n.d.) *Начала теории социального менеджмента качества. Ноосферно-социальная парадигма: [научная монография] / А. И. Субетто; под науч. ред.*
- Хачатрян С. Р., Тарасова Н. А., Тарасова М. С. (2016) *Динамика и прогноз скрывааемых элементов занятости и доходов // Экономическая наука современной России. – №. 4. – С. 49-67.*